

Хотира-муқаддас, қадрлаш эса бурчдир

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 5 (244) 2016 YIL 30-MAY

ISSN-2010-9393

1993-YIL, 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК УЧУН ШУКРОНАЛИК

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни күрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳәёти йўлида курашиб, бехисоб курбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотиранидан ҳеч қачон ўтмайди, - деган эди президентимиз И. Каримов.

Чиндан ҳам, II жаҳон уруши миллионлаб инсонлар ҳәётига зомин бўлди. Улар қаторида инсониятнинг порлоқ келажаги учун фашизмга қарши курашда ўз жонини фидо этган юртошларимиз ҳам бор. Уларнинг озодлик йўлидаги улкан хизматлари мустақиллик йилларида янада қадрланмоқда. Шу муносабат билан ҳар йили жойларда байрам тадбирлари ўтказилиб келинади. Бу йил мустақиллигининг 25 йиллиги тантаналари арафасида нишонланган Хотира ва қадрлаш куни байрами вилоятимизда аввалий йилларга қараганда, айниқса, ўзгача бир шукрӯх билан кутиб олинди. Сабаби шахримизда қад ростлаган янги «Хотира мажмусаси» байрам муносабати билан фахрийларимиз учун тухфа сифатида фойдаланишга топширилди.

Уруш ва меҳнат фахрийлари, марказий ҳарбий округ таркибидаги ҳарбий қисм вакиллари, вилоятимиз, кенг жамоатчилигимиз иштирокидаги маросимини Жиззах шаҳар ҳокими Асрор Қобилов очиб берди. Шундан сўнг хиёбон узра Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси янгради. Тадбир давомида Жиззах гарнizonи бошлиғи, майор Руслан Сотиков сўзга чиқиб, йигилганларни умумхалқ байрами ҳамда фашизм устидан қозонилган галабанинг 71 йиллиги билан табриклиди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган 435 минг нафар ҳамюртларимиз номлари «Хотира китобига» зарҳал ҳарфлар билан битилган. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Жўракул Тўраевнинг жасорати ҳар бир жиззахлик қалбida бир умр муҳрланиб қолган, де-

сак асло муболага бўлмайди. Тарихдан маълумки, Иккинчи жаҳон урушида бир миллиард етти юз миллион аҳолиси бўлган 61 та давлат иштирок этди. Уруш йилларида ота-онасидан жудо бўлган етим болаларнинг иккى юз минг нафарини халқимиз ўз бағрига олди. Мамлакатимиз фронтга кўплаб курол-яроқлар озиқ-овқат кийим-кечак ва бошқа зарурий маҳсулотлар етказиб берди. Урушда қатнашган, урушнинг мешаққатларини ўз кўзи билан кўрган, жангларда қон кечган юртошларимизнинг сафи, афсуски, камайиб бормоқда. Вилоятимизда ҳозир уларнинг 78 нафари ҳёт. Улар билан дийдорлашиб, сұхбатлашиб, умр сабоқларидан огоҳ бўлган киши бугунги тинч, осоишиша ҳёт, тўкинлик ва фаровонлик дамлари оғир синовлар, мешаққатлар эвазига қўлга кирилганига тўла ишонч ҳосил қиласди.

Сўзга чиққан Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Нормуҳаммад Аёзов мамлакатимизда инсон қадр-қиммати, унга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор, ёши улуг кишиларни қадрлаш, нуронийларнинг ҳар бир сўзи ёшлар учун ибрат эканлиги тўғрисида галирди.

Шундан сўнг «Мотамсаро она» ёдгорлиги поинига гулчамбарлар қўйиш маросими бошланди. Жиззах вилоят ҳокимлиги, Марказий ҳарбий округ қўмандонлиги, вилоят мудофаи ишлар, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар ҳамда божхона бошқармаларининг номлари битилган гулчамбарлар қўйилди.

Тадбир сўнгидаги анъанага кўра уруш ва меҳнат фахрийлари учун байрам дастурхони ёзилди. Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшларнинг куй ва қўшиқлари, жозибадор рақслар байрам тадбирига ўзгача шукрӯх багишлади.

Абдуғаффор АБДУРАҲМОНОВ,
«Зиё чашмаси»нинг
жамоатчи мухбири.

ТАБРИКАЛАЙМИЗ!

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб амалга оширилаёттан сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар сифат жиҳатдан янги босқичга кирди, оддимизда турган дол зарб вазифалар аниқ-равшан белгилаб олинди. Уларнинг қай даражада бажарилиши, амалга оширилиши, даставал, бутун халқимизнинг, мутахассисларнинг, хусусан, ёшларимизнинг қўйилган вазифаларни теран англаб, тушуниб этишига ҳамда уларни амалга оширишдаги сайд-ҳаракатига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси ташабуси билан талаба-ёшларнинг Президент нутқи ва маърузаларидан ташкил топган асрларида асослаб берилган устувор йўналишларни ва тамоилиларни чуқур англаб, ўзлаштириб олишиларига эришиш, янги вазифалар, мөксад ва гояларни, устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятига, ҳаётбахш жиҳатларига чуқур кириб боришиларини таъминлаш мақсадида эсселар ташлови ташкил қилинди.

Танловда иштирок этган мингдан ортиқ ижоди ишлар муаллифларнинг президент И. А. Каримов асрларини билиш дарожаси, давлатимиз ични ва ташкил сиёсатини аниқ баҳолай олиш ва уни тўғри талқин этганини, мустақил фикрнинг дадил илгари сурғанини ва ҳаётий мисоллар билан далилла-

ганини инобатга олган ҳолда баҳоланди.

Танловнинг якуний босқичи пойтактимиз Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Қувонларли шуки, танловда иштирок этиб, фарҳли ўринни эгаллагандар орасида институтимизнинг инглиз тили ва адабиётни йўналиши талабаси Зулфизар Ташанова ҳам бор.

- Биз ўзбек ёшлари ҳар қандай эзгу ниятларга талпинсан, уни рўёбга чиқарниша кўмаклашадиган Ватанимиз ва президентимиз бор, - деди Зулфизар биз билан сұхбатда.

Талаба-қизимизнинг бунданда юқори мэржаларни забт этишини тилаган ҳолда, эришган бу улкан муваффақияти билан муборакбод этамиз.

Гулноза ИРИСЕВА,
«Зиё чашмаси»нинг
жамоатчи мухбири.
Суратда: З. Ташанова
тақдирлаш маросимидан сунг

Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик дунёга машҳур қила олмайди!

Ислом Каримов

Баракалла, азаматлар!

Институтимиз спортчилари

Фаргона шаҳрида бўйиб ўтган «Универсиада-2016» спорти мусобақаларидан 1 та олтин, 3 та қумлуш ва 3 та бронза медали билан қайтишилар.



Ўқтамов
Жалолиддин
Анвар ўғли
(Бокс бўйича
олтин медал)




Икромов Акбаржон
Азимjon ўғли
(Сузиш бўйича кумуш
ва бронза медал)



Аралов Диёр
Турсин ўғли
(Эркин кураш
бўйича кумуш
медал)



Жабборов
Жавлонбек
Нодиржон ўғли
(Сузиш бўйича
кумуш медал)



Йўлдошев
Нозимжон
Нўймонжон ўғли
(Сузиш бўйича
бронза медал)



Аҳмадалиев
Расул
Рустам ўғли
(Тенис бўйича
бронза медал)



Фаргона шаҳрида ўтказилган «Универсиада - 2016» спорти мусобақалари барча спорт ихлосмандлари, бутун халқимизнинг диққат эътиборида бўлди. Ўз олдига улкан мақсадларни қўйган спортчи талаба-ёшлар учун азм-у шиҳоат, қатъият, маҳорат ва синов майдонига айланди.

Қайд этиш жоизки, «Кичик олимпиада» номини олган мазкур нуғузли мусобақа навқирон авлод вакилларининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол вояга етишларидан мухим аҳамият касб этмоқда. Уларни фурур ва ифтихор тўйғуси билан яшашга дайвает қўлмоқда. Бу галги Фаргона шаҳрида ўтказилган финал мусобақасида ана шундай рӯҳ ҳукмрон бўлди.

Финал мусобақасида вилоятимиздан жами 43 нафар спортчилар қатнашиди. Жиззах терма жамоасининг 33 нафарини институтимиз талабалари ташкил этса, 10 нафари Жиззах политехника институти талабалари хисобланади. Мусобақа 11 турда бўлиб ўтди. Спортнинг бокс тури бўйича институтимиз жисмоний маданият факультети 4-босқич талабаси Жалолиддин Ўқтамов 81 кг вазнда фахрли биринчи ўринни эгаллади ва олтин медали соҳиби бўлди. Эркин кураш туридан 125 кг вазнда қатнашган шу факультетнинг 2-босқич талабаси Диёр Аралов кумуш медал билан 2-ўринни банд этди. Бундан ташқари сузиш спорти бўйича талабаларимиздан Акбар Икромов 1 та кумуш ва 1 та бронза, Жавлонбек Жабборов 1 та кумуш ҳамда Нозимжон Йўлдошев 1 та бронза медалини қўлга киритилар. Расулжон Аҳмадалиев эса катта тенис мусобақаси якунига кўра бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Умумий ҳисобда Жиззах терма жамоаси 10 ўринни банд этди.

Шунингдек, талабаларимиз спортнинг шаҳмат, стол тениси, каратэ каби турлари бўйича ҳам ўзларини кўрсатишиди.

Баҳридин Бўрибоев,
«Зиё чашмаси» махсус мухбири.
Фаргона-Жиззах

Талабалар педагогик амалиётни якунламокда

Педагогик амалиёт замон талабига мос, рақобатбардош юкори малакали мутахассислар тайёрлашада ўкув жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланаб, унинг вазифаси олинган назарий билимларни амалиёт билан мустаҳкамлаш, чуқурлашириш, амалий тажриба ва маҳоратни ошириш, педагогик малакаларни сингдиришдан иборатdir.

Малакавий амалиёт талабаларни ўқитувчилик касбига тайёрлашнинг бирдан бир асосий омилли сифатидан талабаларнинг институтда олган назарий билимларни амалиёт билан боғлаш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ўкувчилари билан ўкув-тарбиявий ишларни баҳари имкониятларини яратади.

Институтда ўкув режага асосан куйидаги малакавий амалиёт турлари ўтказилади:

1. Узлуксиз (ўкув-танишув) педагогик амалиёти. 14 та йўналишда 1, 2, 3-курсларда;


2. Ўкув амалиёти. 5 та йўналишда 1, 2, 3-курсларда.

3. Педагогик амалиёт. 19 та йўналишда 4-курсларда.

Узлуксиз педагогик амалиётнинг умумий вазифаси ўқитувчининг асосий педагогик функцияси билан танишиш ва уни баҳариш учун зарур бўлган малака ва кўникмаларини эгаллаш билан бοғлиқdir.

Бизнинг давримизда ўқитувчи ижрочи гина эмас, тадқиқодчи ҳам саналади. Демак, унинг функциялари орасида илгор тажрибани ўрганиш, педагогик вазиятларни таҳдил қилиш, уларга таъсир этган ижобий ёки салбий оқибатларга олиб келадиган сабабларни топиш, педагогик ва психологияк тадқиқотлар олиб бориши учун ўз ишининг натижаларини таҳдил этиб, умумлаштириш, педагогик муаммоларни кўра билиш, уларга доир тахминлар қилиб, ечимини топиш, ўкувчиларни ҳам тадқиқод ишларига жалб этиш каби қатор вазифалар ҳам бўлиб, буларни ҳал қилишга ёрдам берадиган педагогик малака ва кўникмалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Узлуксиз педагогик амалиёт давомида ҳар бир талаба ўзининг танлаган касбига-педагогик фаолиятига яроқлигиги, қизиқиши, шу соҳадаги тайёргарлик дарражаси ўрганилади. Амалиётга раҳбарлик қиласётган институт вакили ҳар бир талабани узлуксиз ўрганиш, ташкил этиган ишларини кузатиш, ўкувчилар билан алоқаси, турли вазиятларга нисбатан



тан реакцияси, фаоллиги ва бошқаларга қараб унинг мустақиллиги, ташкилотчилиги, ихтинос тайёргарлиги ва маъсуллияти, умумий тайёргарлик дарражаси ва касбига яроқлигини аниқлаб боради. Буларни амалиёт охирида ўтадиган анжуманда эълон килиб, тегишли тавсиялар беради.

Узлуксиз педагогик амалиёт якунида барча хужжатлар кафедрага йиғилиб, услубчи ўқитувчилик томонидан рейтинг тизимига асосан баҳоланади ва кафедрала сақланади. Услубий бўлимга кафедрала мудири умумий ҳисобот топширади.

Шу кунларда институтимизнинг 1, 2, 3-курс талабалари бакалавр ўкув режасига асосан Жиззах шаҳри ва тумани умумтаълим мактабларида, махсус мактаблар ва мактабгача таълим мұассасаларида назарий билимларини амалий жиҳатдан синовдан ўтказиб қайтилар.

Узлуксиз педагогик амалиётда жами 2373 нафар 1, 2, 3-курс талабалари қатнашиди. Шундан 1743 нафари Жиззах шаҳри, 227 нафари Жиззах тумани мактабларида; 52 нафари академик лицейларда, 49 нафари касб-хунар коллежларида, 145 нафари Жиззах шаҳар ва туман мактабгача таълим мұассасалари, 157 нафари махсус мактаблarda 1, 2, 3, 4-харфатли педагогик амалиётни ўтадилар.

4-курслардаги педагогик амалиёт 2015-2016 ўкув йилидан 11 ҳафта давомида институтимиздаги 19 та таълим йўналиши бўйича 4-босқич талабалари билан Жиззах шаҳри ва тумани умумтаълим мактабларида, вилоят касб-хунар коллежларида ва академик лицейларда, психологияк марказларда, махсус мактаблarda ва мактабгача таълим мұассасаларида таълим мұассасаларида 4-босқич талабалари билан Жиззах шаҳри ва тумани умумтаълим мактабларида, вилоят касб-хунар коллежларида ва академик лицейларда, психологияк марказларда, махсус мактаблarda ва мактабгача таълим мұассасаларида ўтказилди.

Ўкув йилининг бошидан барча таълим йўналишларида ўкув режага биноан малакавий амалиётлар аниқланиб, иш-

чи ўкув режалари тузилиб, дастур ва ишчи дастурлар тасдиқланди. Педагогик амалиётга раҳбарлик қилиш учун услубчи ўқитувчilarga юкламалар кафедра мудиrlари томонидан уларнинг педагогик тажрибаси, илмий дарражаси ва унвони инобатга олинган ҳолда тақсимланди. Юкламаларда белгиланган соатларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши кафедра мудири ва ўкув бўлими ходимлари томонидан назорат қилиб борилмоқда.

Педагогик амалиётлар бошланишидан олдин барча факультетларда, бўлимларда, деканат ва масъул услубий кафедралар томонидан ташкил этилган дастлабки (йўриқнома берувчи) анжуманларда институт раҳбарлари, ўкув бўлими бошларига, педагогик амалиётлар бўйича ўкув-услубий бўлими ходимлари, факультет деканлари, масъул кафедраларнинг услубчи ўқитувчilari, педагогика ва психология кафедралари ўқитувчilari, ҳамда умумтаълим мактаблари ўқитувчilari қатнашидilar. Сўзга чиққан профессор-ўқитувчilar томонидан педагогик амалиётнинг мазмуни, мақсади, вазифалари, услубчи ўқитувchilar ва талабаларга замон талабига кўра талабаларга педагогик амалиётнинг ўтказилиш тартиби ва унга доир ҳужжатларни расмийлаштирилиши ҳақида батафсил мъдумотлар берилди ва талабалар педагогик амалиётнинг ўтадилар.

Шу кунларда институтимизнинг 4-курс талабалари бакалавр ўкув режасига асосан йиллар давомида олган назарий билан тарни амалий жиҳатдан синовдан ўтказиб қайтишиди. Педагогик амалиётда жами 1647 нафар талаба қатнашиди. Шундан 1069 нафари Жиззах шаҳри, 139 нафари Жиззах тумани мактабларида; 156 нафари академик лицейларда, 87 на-

фари касб-хунар коллежларида, 132 нафари Жиззах шаҳар ва туман мактабгача таълим мұассасалари ва махсус мактабларда, 22 нафари вилоятнинг қозоқ тилида ўқитиладиган мактаблarda педагогик амалиёт ўташи.

Талабаларининг педагогик амалиётдағи фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирилигининг буйруги билан тасдиқланган «Олий таълим мұассасаларида талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низом асосида талабаларнинг педагогик амалиёт давомида амалга оширган ишлари ва амалиётга доир ҳужжатларни масъул кафедраларнинг услубчи профессор-ўқитувчilari томонидан таҳдил қилиниб, кўйилган балл ва баҳолар асосида умумлаштирилди.

Э.Б. ШАМУРАТОВ,
институт педагогик
амалиётлар бўйича ўкув-
услубий бўлим инспектори,
кимё фанлари номзоди, доцент.
(Сурʼатларда педагогик амалиётдан лавзодар)



Кўп асрлар давомида география ер юзасининг табиити, хўзалиги ва аҳолиси ҳақидаги бир бутун фан сифатидан кишиларни турли жойлар ва мамлакатларнинг табиий шароити, табиий бойликлари, халқлари, шаҳарлари тўғрисида зарур маълумотлар билан таъминлаб турган. Ҳозирги замон географиясининг вазифаси эса, фақат маълумотлар тўплаш эмас, балки тўпланган маълумотларни солишиб, умумлаштириш, илмий таҳдил этилди.

Ўкув йилининг бошидан барча таълим йўналишларида ўкув режага биноан малакавий амалиётлар аниқланиб, иш-

Устоз деган номни ардоклаган олим Доцент Камолжон Курбонов со ёнида!

бекистон Фанлар Академияси ҳузуридаги География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида иш фаолиятини бошлайди. Ёш олим география фанлари доктори, профессор О. К. Замков илмий раҳбарлигида 1980 йили Боку шаҳrida Озарбайжон Фанлар Академияси География институти ҳузуридаги Ихтиослашшган Кенгашда «Қишлоқ хўзалигини худудий жойлаштириш мұаммоларин (Мирзачўл ва Жиззах мисолида)» мавзуудик диссертациясини мұваффақиятли ҳимоз қилиб, география фанлари номзоди илмий дарражасига эга бўлди. 1980 йилдан то 1995 йилгага Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги География бўлимida катта илмий ходим лавозимида фаолият кўреатди. 1996 йили Ўзбекистон Республикаси Минтақавий олий ўкув юртларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида қарорига асосан, доцент Камолжон Курбонов Абдулла Коидир номидаги Жиззах Давлат педагогика институтига ишга келди. У кафедра доценти бўлди, сўнгра 2002-2009 йиллар давомида Минтақавий география ва уни ўқитиши услубияти кафедрасини бошқарди. К. Курбонов 2010 йилдан бошлаб ҳозиргача география ва уни ўқитиши методикаси кафедраси доценти лавозимида фаолият кўреатди.

Халқ орасида «Олим бўлиши осон, аммо одам бўлиш кийин», деган нақл бор. Аслида уйира бозори маънога эга, чунки олим бўлиш ҳам, одам бўлиш ҳам ўтша манақатли меҳнат билан, кўпгина инсоний фазилатлар йиғиндини талаб этиди. Шу нуқта назардан қараганди доцент Камолжон Курбонов олимик салоҳияти ҳам, ибратли фазилатларни ўйғунлашган, яъни ўт соҳасининг забардас олимни, ажойиб инсоний фазилатлар соҳиби ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида олимнинг 250 ортиқ илмий-услубий мақолалари, «Қишлоқ хўзалигини худудий жойлаштириш мұаммоларин (Мирзачўл ва Жиззах чўлларини мисолида)» ҳамда «Ўзбекистонда чўлланиш ҳодисаси ва унга қарши кураш» номли монографиялари чоп этилган.

Доцент К. Курбонов ўкув машғулотларини бугунги кун талаблари асосида олиб борадиган ўз касбини мөхир устаси ҳисобланади. У ўкув жараёнига доимо ўтша мәъсулият билан ёндашадиган ва уни ҳар қандай ишдан устун қўядиган юқо-

ри салоҳиятли педагоглардан бириди. Унинг раҳбарлигидаги тайёрланган юкори малакали кадрлар бутунги кунда нафақат вилоятимизнинг турли мұассасаларда, балки Ўзбекистоннинг турли бурчакларida ҳам фаолият кўреатмоқда. Камолжон Курбонов табиатан ҳушмумала, сертакаллуп инсон, етук педагог. У меҳрубон ота, устоз, катта оиланинг сардори. Абдулла Коидир номидаги Жиззах давлат педагогика институти доценти, география фанлари номзоди Камолжон Курбоновнинг табаррук 80 ёшини нишонлашда рамзий маъно ҳам бор. Олимнинг илмiga бўлган муносабати ва илмий салоҳияти, касбига меҳри ва садоқати, илмий изланишлардаги тутган йўли, илм бўсагасида турган ёшларга ҳар доим ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиди. География фанлари номзоди, доцент К. Курбонов мөхир педагог сифатидаги ёшларга салқам 60 йилдан бўён таълим-тарбия бериб кельмоқда. Устоз кўп йиллик самарали меҳнатларин учун, 2002 йили Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳиси унвонига сазовор бўлган. 2003 йили эса Мехнат фахрийси медалини тақдирланди.

Бугунги кунда, кутлуг 80 ёшини қаршилаётган мұхтарам устозининг илмий-педагогик фаолияти ёшларимиз учун маънавий жасоратнинг тимсоли сифатида катта аҳамиятга эга. Шубҳасиз, у каби ўз умри, ҳаётини илмга, фанга, зиёда баҳшида этган илм дарғалари ҳамиша эл-юрт ардоғига бўлади. Доцент Камолжон Курбонов билан сұхбатлашганимизда, у киши ўзининг шу даражага етишига кўплаб машхур географ олимларнинг жуда катта хизматларини борлигини мамнуният билан гапиради. Шу сабабдан, ҳозирги кунгача илмга интилувчи ёшларга ҳар таомнлама ёрдам бериш, кўмакларши, илмий изланишларини қўллаб-куватлаш, бу шарафли вазифани адо этиш унинг бурчи эканлигини алоҳизада таъқидлайди. Биз ушбу улуг мақсадларини амалга оширишда устоз Камолжон Курбоновга иккى дунё саодатини тилаб, Шайх Саъдий ҳазратларининг боқий умрларини тилаймиз. Эл-юрт, дустлар, ҳамкаслар, шогирлар, фарзандлар баҳтига доимо соғ-саломат бўлинг, устоз!

География ўқитиши
методикаси кафедраси жамоаси.

